

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№105 (6.630). Sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидаги тартиб белгилансин, унга қўра тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда: биринчидан, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилиши; иккинчидан, барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланади.
2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурда Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) ташкил этилсин.
3. Қўриқилган расмийлаштириш тартиботлари инспекцияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:
4. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган мулкдорларнинг ариза берувчининг ҳужжатларини ҳамда бунинг учун зарур бўлган асосларни қабул қилиш ва экспертизадан ўтказиш;
5. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари) уланши, турар-жойларни нотурар-жой тоифасига ўтказиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилишга техник шартларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун, шунингдек муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома олиш учун уларнинг ваколатлари доирасида мажбурий тартибда келишладиган ва рухсат олинмаган тегишли ташкилотларни аниқлаш;
6. Юридика қўриқилган рухсат берувчи ҳужжатлар билан унинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисида гувоҳнома бериш.
7. Белгилаб қўйилсинки, ариза берилган санадан бошлаб тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларини берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишга бўлган муддат техник шартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштиришнинг мураккаблигини ва ҳажминини ҳисобга олиб 7 иш кунидан бир ойгача белгиланади.
8. Қуйидагилар:
9. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берилган ҳолдаги таъминотларни таъминлаш бўлимига таъин қилиниши таъминланади.
10. Қуйидагилар:
11. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берилган ҳолдаги таъминотларни таъминлаш бўлимига таъин қилиниши таъминланади.
12. Таъминотларни таъминлаш бўлимига таъин қилиниши таъминланади.
13. Таъминотларни таъминлаш бўлимига таъин қилиниши таъминланади.
14. Таъминотларни таъминлаш бўлимига таъин қилиниши таъминланади.
15. Таъминотларни таъминлаш бўлимига таъин қилиниши таъминланади.

рувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом;

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат мулк кўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун объектлар қурилиши учун ер участкаларининг, тадбиркорлар талабини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда ким ошди савдоларига қўйишни амалиётда қўллансинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси ва Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш ҳужжатларини расмийлаштиришнинг белгиланган тартибига сўзсиз риоя қилиниши устидан зарур назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарор қондаларини республикадаги барча тадбиркорлар кенг қатламларига етказиб бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

9. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш масалаларини тартибга солувчи идоравий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказинлар.

10. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 347-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 47-модда) 1-банди, 2-бандининг иккинчи-бешинчи хат бошилари, 3 ва 4-бандлари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 30 апрелдаги 197-сон қарорига 2-илованинг 12-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 34-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақрифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг баҳарийлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юксалсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 20 август

АҚШ СЕНАТОРЛАРИ САМАРҚАНДДА

САМАРҚАНД, 19 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Сенатининг Ташқи алоқалар бўйича кўмитаси раиси Ричард Лугар раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ричард Лугар оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, бу муаммага қарши курашни кўзда тутувчи қатор халқаро қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ташаббускорлик кўрсатган сиёсатчидир. У Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш ташаббусини юқори баҳолайди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар, жумладан, сиёсий ва иқтисодий алоқалар, ҳавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Айниқса, халқаро террорчилик, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яронининг фэйриқонуний савдоси каби иллатларга қарши курашда икки мамлакатнинг қарашлари муштараклиги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамламоқда.

Самарқанд шаҳридаги қароргоҳда бўлиб ўтган учрашувда томонлар минтақада оммавий қирғин қуролларининг қонунчи тарқалишига, экологик муаммоларга қарши кураш масалаларини муҳокама қилди. Икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислам Каримов АҚШ Сенатиди Ўзбекистон ва, умуман, Марказий Осиёдаги муаммоларга ечим топишда минтақа давлатлари билан ҳамкорликка интилиш мавжудлиги, бу ердаги вазият доим америкалик сиёсатчилар диққат-эътиборида туриши қувонарли эканлигини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Америкалик меҳмонлар Самарқанднинг қадимий обидаларини томоша қилди.

(ЎЗА)

ФЕРМЕРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

БУХОРО. (ЎЗА мухбири Илҳом САФАР). Бухоро вилоятида фермерчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бундан беш йил муқаддам вилоятда 1 минг 858 нафар фермер фаолият юритган бўлса, қушун улар сони 6 мингдан ошди. Фермерлар вилоят кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 40 фоиздан кўпрогини тайёрламоқда.

Вилоят ҳокимлигида қишлоқ ҳўжалигига дахлдор идоралар, туманлар ҳокимлари, фермерлар иштирокида ўтказилган мулоқотда ана шулар ҳақида гап борди.

Мулоқотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бундан уч йил муқаддам, тажриба тарихида Ромитан туманидаги барча ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил қилинган. Вақт - бу тажрибанинг тўғрилигини исботлади. Ер эгасини топган, яъни фермерлар қўлига ўтган, рентабеллик ошди, махсулот таннархи кўсайди. Фалла, пахта етиштиришда ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади.

Эндликда ушбу тажрибани вилоят миқёсида қўллаш, зарар қўриб ишлаётган ширкатлар ўрнида фермер ҳўжаликлари тузиш ҳаракати бошланди. Вилоятда фермер ҳўжаликлари ривожлантиришнинг 2003-2005 йилларга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилди. Унга асосан сурункали зарар билан ишлаётган ширкат ҳўжаликлари негизда тендер танлови асосида фермер ҳўжаликлари тузилади.

Учрашувда сўзга чиққан фермерлар ўзлари эришаётган ютуқлар, учраётган қамчилик ва муаммолар ҳақида тўхталиб, уларни бартараф этиш бўйича фикр мулоҳазалар, тақлифлар билдирди.

Мулоқотда Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этди.



Пахтабод туманидаги "Раҳимжон ҳўжи" фермер ҳўжалиги ташкил қилинганга тўққиз йил бўлди. Тожибой Раҳимов бошчилик қилаётган ушбу фермер ҳўжалиги қисқа вақт ичиди элнинг назарига тушиб улгурди. Бу, албатта, тинимсиз меҳнат, изланишлар самараси. Ҳозир ҳўжаликда йилга 45-50 минг туп терак қўчатлари етиштирилиб, ширкат ва фермер ҳўжаликларига етказиб берилаётир. СУРАТДА: Т.Раҳимов ва фермер ҳўжалиги аъзоси М.Фаниев. Б.АҚРАМОВ олган сурат.

Халқимизда "Сунбуланнинг киргани сувдан билинади", деган гап бор. Қаранг, вақт деганлари шу қадар тез ўтиб бормоқдаки, кўз очиб юмгунча сунбула ойи ҳам бошланди. Ёзининг сўнги қиллари, далада меҳнат қилаётган дехқоннинг эса етиштирилган ҳосилини чамалаб қўриш вақти.

Ўзгача сўнги ишлов бериш ишлари ҳам айнан шу оғининг бошларида ўтказилди. Ер эгасининг эрта баҳордан ташвишига айланган дала ишлари, тинимсиз қилинган меҳнат эвзига кўзини қувонч билан турувчи мўл ҳосилининг илк шоналари ҳам шу ойда кўзга кўринади. Сунбулада "оқ олтин" нинг бирма-бир бодраб очилиши бободехқоннинг чарчоқларини ҳам унуттириб юборади-да.

Далаларда бугун ўзгача сўнги ишлов бериш ишлари олиб боришмоқда, дейди кишлоқ ҳўжалик фанларини номзоди Муҳитдин Усмонов. - Уста пахтакорлар қилган меҳнатларининг нишонга олиши шу ойда йиғилди. Кишлоқ ҳўжалигида ўтказилиши лозим бўлган агротехник қоидаларнинг ўз ўрни бор.

Буни ер билан неча йилдир қиллашиб келаётган дехқон яқшироқ тушунади. Шундай бўлса, бугуннинг гапи қандай бўлса, бу бодраб тажрибаси бироз камроқ кишиларга икки оғиз тавсиямиз бор. Одатдагидек бу ойда ҳам қўриқилган ишларга жиддийроқ эътибор қаратиш лозим. Бирок, ўзгача қатор ора-ларига ишлов бераётганда бу

гал нияоятда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарур. Чунки қўриқилганларнинг меҳнатига эришиш вақти бундан охиқ тезликда ишлари кўзи кўришга олиб келади. Баҳорда бўлиб, қайта экилган пахта майдонларида сўғорин ишларини ўзгани ҳолатига қараб, одатдаги меҳнат олиб бориш мақсада мувофиқ

Айрим жойларда чеканка ишлари чала олиб боришмоқда ҳам кўз юмиб бўлмайди. Вақтин бий бермаган ҳолда 3-4 кун ичида бу юмушни ҳам ниҳоясига етказиш ўринли. Айниқса, ўзгача қўриқилган пахта майдонларида сўғорин ишларини бир зум бўлсин тўхтатмаслик лозим. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўзгача ишлов бериш ишлари 10-15 сентябрга қадар ниҳоя

ясига етказилиши мақсадга мувофиқ. Ақс ҳолда кечиккан агротехник тадбирларнинг ҳар бир ўтган кунни ҳосилининг ҳам кеч йиғиб олинишига сабаб бўлади. Шу кунларда ҳаво ҳароратининг бироз кўтарилиганини ҳисобга олсақ, сунбула ойида ҳам ёздагидек иссиқ бўларкан-да, деган ўй ҳар бир кишининг хаёлига келиши табиий. Бирок, республика гидрометеорология маркази мутахассисларининг фикрича, бугундан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудларида ҳаво ҳароратининг секин-аста пасайиб бориши қўриқилмоқда. Демакки, сунбулада республикамизда одатдагидек ҳаво ҳароратининг мўъталашиб бориши қўриқилмоқда. Шавкат ОРТИҚОВ, "Кишлоқ ҳўжи" мухбири.

СУВНИНГ СОВИГАНИ - СУНБУЛАННИНГ КИРГАНИ

ЧОР БАКР ЗИЁСИ

Юртбошимиз яқинда Бухорода бўлганларида қадимий обида - Чор Бакр меъморий мажмуини ҳам зиёрат қилаётти, "Афсуски, шундай муҳим тарихий ва маънавий аҳамиятга эга осори атиқалар ҳақида халқимизнинг ақсарияти кўп нарсани билмайди. Биз бу ерда мангу қўним топган азиз-авлиёларимиз хотиралари ҳақиқи ана шу ёдгорликка эъзоз ва эҳтиром кўрсатишга бурчлимиз", дедилар.

Чиндан ҳам Чор Бакр қадамжоси ўзининг маҳобати, тарихий аҳамияти

КАДРИЯТ

жиҳатидан мамлакатимиздаги бебаҳо ёдгорликлар сирасига киради. Бухоро шаҳридан олти чакрим гарбда - қадимий Сумитан қишлоғидаги бу зиёратгоҳнинг пайдо бўлишини тарихчи Жўйбор ҳўжаликларининг йирик вакили Абу Бакр Саъд номи билан боғлайдилар. Зиёратгоҳнинг барпо этилиши милодий 1559 йилга бориб тақалади. Худди шу йили Бухоро хони Абдуллаҳон II томонидан бу ерда хонақоҳ масжид ва мадрасадан иборат ансамбль қурилишига киришилган.

БЮРОКРАТНИ ЕНГИШ МУМКИНИМИ?

Боиси ҳаётнинг ич-ичидан етилиб келаятган долзарб саволларига Юртбошимиз сўзларидан жавоб топаман. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида маъруза қилиб, ислохотларнинг боришидаги бугунги "оғриқларни" ғоят чуқур таҳлил этдилар. Еқилги билан боғлиқ муаммони олинган. Неча йиллар давомида дардли гурунлар эшитаман.

(Давоми 2-бетда)

ЖАННАТ ЯРАТГАНЛАР

Жаннатни қидириб юрма, биродар, Етти иқлимда йўқ - чекма ҳеч қадар Ҳақиқий жаннатни қўрмоқчи бўлсанг, Ўзбек дийрига бир солгин назар.

Арафа айёмида йўлим Самарқанду Андижонга тушди. Еру биродар, қавму қариндошлар меҳрининг дилдим қўмсади. Ёзининг тонги нафаси жуда ёқимли бўлади. Кўнглинг йираб, ўпканг тўлиб нафас оласан, сўнги сиз далаларга, сўлим боғларга ҳавас билан қарайсан, юрагингда дарду гўбор қолмайди, эркин оламда ўзингни бахтиёр ва шодумон сезсан, шаҳарнинг гала-ғовуридан қарчаган жисму жонингда осойиш бир нафас томирингда қондек айланади, шу дунёда борлигиндан, шу заминга фарзандлигиндан беихтиёр қувониб кетсан киши.

Тошкентдан Чинозгача бир соатлик йўл. Кўм-кўк Оламоғ маҳлиё бўлиб қандай етиб борганингни билмай қолсан.

(Давоми 4-бетда)

ИЗЛАНИШ

Дунё халқлари дехқончилиги тарихида ҳозиргидек экологик муаммоларга дуч келинмаган. Аҳолининг тобора ўсиб бораётган экин-тикин қилишда фойдаланиладиган ерларнинг самарадорлигини тўхтовсиз ошириб боришни тақозо этади, ўзга йўл йўқ.

Экинзорларни кенгайтириш, ярим ва тўлиқ чўл ҳудудларини, ўрмонларни

АБДУРАУФ БОБОНИНГ ЧУВАЛЧАНГЛАРИ

ўзлаштиришининг, ҳатто денгизларни японча ортга суришининг ниҳояси борлиги ана шундай қатъий ҳулосани келтириб чиқаради.

Ер ҳосилдорлигини оширишда эса асосан қимёвий озуқалардан, препаратлардан фойдаланишга зўр берилмоқда. Турли касалликларга, зараркунанда-ларга қарши курашда қимёвий усуллар беш таянчга айланиб қолган. Табиийки, бундай йўл она табиат мусофоллигига, етиштирилаётган ҳосилининг экологик тозаллигига, демакки, инсон саломатлигига ҳавф тугдирди.

(Давоми 2-бетда)

...ҚИЛМА ТОПАСАН

Бизда, "ниҳок муқаддас", деган сўз анчайин эъзозли, мўътабар ҳисобланади. Тошкент вилояти, Янгиёул туман ФХДЭ бўлимида қонуний тўқмоқдан ўтиб, турмуш қуришганда Замира ва Нодир (бизни сабабларга кўра исмлар ўзгарди)лар бахтдан энтимики, кўнглиллари қувонч ва шодликдан халққириб кетганди. Ушбу чоғларда олам бу икки йиғи рагини кўринганди.

Орадан уч йилча вақт ўтди. Аммо, Замира ва Нодир қонун фарзанд кўрмади. Бетоқатлик, асабийлик, боз устига ижара

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАП

рама-ижара қўчиб юриш эр-хотиннинг тинка-мадорини қуритди. Бу ўртада рўзғорнинг ташвишлари, иқтисодий эҳтимолчилик, оилавий жанжаллар таъсирида Нодир кўп ичадиган бўлиб қолди. Эрининг кетма-кет уйга спиртли ичимлик истеъмол қилиб қайтиши Замиранинг жонига тегди. У эрининг уйдан бош олиб чиқиб кетди. Кундан-кунга ичкилик ботқоғига ботиб бораётган Нодир, лоақал бир мартаба бўлса-да, турмуш ўртоғи Замирани излаб қайно-тасиникига бормади.

(Давоми 2-бетда)

ХИКМАТ Баркамол-ликка эришган одам барча жонзотлардан юқори туради; аммо агар у қонунлар ва адолатга бўйсунмай яшаса, ҳаммасидан тубандир.

АРАСТУ

КЕЛГУСИ СОНДА:

КАРЗНИ УНДИРИШ ОСОНМИ?

КАЛЛОБ "КАССОБЛАР"

"ИССИҚ-СОВУК" БОР НАРСАМИ?



“ЭВРИКА”

Харажат деса ўтақаси бриладинан Аҳмад ака Алишер билан ҳамсафар бўлиб қолди. Алишернинг чойхона палов қилиш ҳақидаги таклифи дард устига чиққан бўлди.

Кўй, ука, - энаси қотди Аҳмад ака ва метрога қиришаркан, уни бу “қори бад”дан қайтариш учун далил келтирди. - Ташкани пирожакиялар зўр-да, чой билан шундай кетадики...

Гапга андармон бўлиб имиллаган Аҳмад акани эскалаторга ўтишда “қоровул” қисиб қолди.

“Ие, пулини берсам хунарини қара. Кечагинда лифт шунақа қилувди.

“Ғоя” сабаб Алишер “вох” деб юборди (аслида “эврика” деса ҳам бўларди) ва гап тўқиб кетди:

-Лифтга танга ташловдингизми?

-Йў-ўқ, - бўшади Аҳмад ака.

-Лифт жуда қаттиқ қисади-да, - темирни қизигида босди йиғит. - Сиз бу ёқда майиб бўлиб, мен у ёқда кеннойимнинг қалтагини еб юрмайин. Яхшиши, ака, менга пулдан бериб қўйинг, метро билан лифтга ўзим йўл бошламан.

-Шунақа қилинг, жон ука, - чехраси очилди Аҳмад аканинг ва бир халфанининг харажатига етгудай пул узатиб, қўшиб қўйди.

-Бировга айтадиган гапмасу шу топгача минг марта лифтга чиқиб бир тийин тўлаганим йў-а!

Рустамжон УММАТОВ

ИЙМОНДАН АЙИРМАСИН

Нарзулла ака эрталаб туриб қараса, дарвозаси ёнида турган ўнта ёғочнинг тўрттаси йўқ. “Илоннинг тилида сип-силлик, иморатбоб ёғочлар эди-я”. Ички ишлар тизимида жиноят ишлар бўйича маъсул ходим бўлиб узок йиллар ишлаган, айни дамда кексалик гаптинин сураётган Нарзулла аканинг кўнглидан шу фикр кечиб, ўзини таҳқирлангандек ҳис этди.

Аммо ўзини дарҳол қўлга олиб, ёғочлар турган жойни сиқчилаб текширди. Икки хил оёқ изи бор. Пойфазалининг ўлчами аниқ. Бир ариқчага тоиб кетган кўринадан - афтидан ўғирлар жуда шошилишган. Хуллас, Нарзулла ака из олди. Беш уз метрлар чамаси юргандан сўнг чап қўлдаги дарвоза олдига келиб тўхтади. Ҳа, ўғирлар шу ховлидан эканлиги аниқ. “Милицияга айтсаммикан? Бир томони қишлоқчилик. Юз юзга тушиши бор”. Нарзулла аканинг хаёлидан мингта ўй кечди. Сўнг ўй эгасини қақирди. Ичкаридан Нарзулла акага таниш етмиш ёшлардаги қария чиқиб келди. Жабрдийда энди гапга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, қария: “Сиз уйингизга бораверинг, омонатингизни кечгача қайтаришадир”, деди хижолатомуз.

-Дарҳақиқат, шаҳарга тушиб келсан, ёғочларини жойига келтириб қўйишибди, - деди Нарзулла ака. - Яхшиям, криминалист бўлганим. Акс ҳолда...

Бу воқеани эшитиб, ёшни инсофдан, қарини иймандан айирмасин, деган нақл ёдимга тушди.

Истам ИБРОҲИМОВ

ОТ ТРАКТОРДАН КУЧЛИМИ?

Ота-боболаримиз илгари анча содда бўлишган шекилли, ўтган асрнинг 30-йилларида юртимизга тракторлар кириб келган пайтлари улар ҳақида кўпдан-кўп латифалар пайдо бўлганки, эшитган одамнинг кулавериб ичаги узилди. Ҳозирда тўқсон ёшли ҳамқишлоғим Турсун бобо айтди:

-Марғилонда эшолдан туширилган ўтомочни биз томонларга Максимч деган бир ўрис миниб келган, - дейди бобо. - Ушунда унинг тариллашини эшитиб, аёллар қулгоига пахта тикиб олишганди. Болалар бўлса ортидан кесак отиб қувганлар. Максимч тракторни мактабни ёнига тўхтайтиб, қишлоқимиздаги ҳамма ўспирин-у ўрта ёшли эркекларни йиғарди. Русча-ўзбекча аралаштириб, ўтомочнинг қандай ишлашини тушунирарди. Роса шарағандан терлаб ҳам кетарди.

Бир сифар ўрис инжонер: “Саволлар борми, ким нимани тушунамади?”, деб сўраганди. “Шунда раҳматли, гапга чечан, этигини қора қуяга бўяб юрадиган Рустам ангров сўраб қолди: “Ўрток инжонер, ҳаммасини тушуинди. Шу тарактирингизга отни орқадан боғлаш керакми ёки олдиндан?...”

Турсун бобонинг айтишича, Максимч бу саволга кўздан ёш чиққунча қулган экан. Сўнгра тракторга ўтириб, юргизиб, яқинроқдаги ерни ҳайдаб берибди. Шундан кейин Рустам ангров - Рустам мэнгров деган ном чиқарган экан.

Жаҳонгир ХОЛИҚОВ

“ОББО, АЗАМАТ-ЕЙ”

Олимпжон қишлоқнинг врач. Тажрибаси катта. Яна деяр, ҳазилга ўч одам. Ўқини тамомлади-ю, дўсти Зокиржоннинг қишлоғига ишга келди. Худо бу икки дўстни билиб учраштиради-да. Икковидан тарвуздек қорин бор. Овқат деса ўзларини томон ташлашга ҳам тайёр.

-Бугун тушликка манти қилдириб қўйдим. Уйга чиқиб би-рив мазаза қилиб мантихўрлик қилсак, нима дейсан? - илтифот қўрсатди Зокиржон.

-Майлику-я, фақат тез қайтишим керак. Кўп ўтириб қол-майман, комиссия келарми. Тўғриси айтсам, шу комиссия дегани ҳам тоза жонга тегди-да. Аксига олдиги бугун халатимни дазмоллашдан қийиб келман, - зорланди Олимпжон.

-Ана! Баҳонада халатингни бизникида дазмоллаб чиқасан, - деди Зокиржон.

Олимпжон рози бўлди. Уйга етиб келган, манти пишунча ховлидаги ўрик салқинига тайёрлаб қўйилган жойда бироз гурунлашди. Кўп ўтмай манти ҳам тайёр бўлди. Иккови мантини мактай-мактай паққос туширишди. Олимпжон чойни ҳам апил-тапил ичди-ю, қайтишга чоғланди. Дарвоза олдида келишганда Зокиржоннинг кенжаси Шўҳрат ариққа олди қилди:

-Амаки, янги кўприк қўрдим. Ариқдан сакрамасдан шундан ўтин!

Олимпжон қараса, болакай ариққа иккита тахтани чиройли қилиб ўрнатиб қўйибди.

-Оббо азамат-ей! Амаким қийналмасан деб кўприк қурибсан-да. Маладес... Ўтаск, ўтибмишда кўпригингдан. Кани, бис-милло, и-и-и...

Шу пайт Олимпжоннинг оғирлигини кўтаролмай ҳалиги тахта “қарс” иккига бўлинди-ю, дўхтир ариққа йиқилди. Эндигина дазмолланган оқ халат бир зумда лойга беланди.

-Падарига лаянат бунақа кўприкчи, - йиғлағудек бўлиб ўридан турди Олимпжон. - Сен лақиллаб юраремий шу жойга бакуватроғидан қуриб қўйсан бўлмайди, Зокир?

-Кўприк қурадиган ариқмас-да бу қалаварам. Сакрамасдан ўтса бўлади-ю, сен бўлса ёш боланинг гапига қириб, тахта оёқ қўйиб ўтирибсан.

-Бўлмаса ўлгинг нимага кўприк қуриб қўйдиги? - Уқол қилиб йиғлаган бўлсанг керак-да, шунақа қилиб ала-минни олди. - деди Зокиржон қўлдан зўрга ўзини тийиб. Шавкат ОРТИКОВ

(Боши 1-бетда) Зиёратгоҳнинг Чор Бакр дейилиши-га сабаб Сумитан қишлоғида тўрт биродар - шайх ва олим, имом Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Муҳаммад, Абу Бакр Фазл, Абу Бакр Муҳаммадлар яшаб ўтган-дир. Бухоро тарихини чуқур ўрганган кекса олим Нарзулла Жўраевнинг билдиришича, Жўйбор хўжалари насл-насаблари пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва халифа Абу Бакр авлодларига бориб тақалади. Жўйбор шайхлари эл орасида энг муътабар инсонлар сифатида алоҳида даврга эга бўлишган. Улар кўплаб қишлоқларда ариқлар қазидир дехқончилик ривожига йўл очилган. Ҳа ҳисобларидан масжиди мадрасалар, қарвонсарой ва сардобалар қуриб, етим-есирларга ёрдам қилини чўшишган. Уларнинг илму маърифатга ҳам меҳри гоат баланд бўлган. Масалан, сумитанлик Хожа Саъднинг кичик ўғли Хожа Абдукарим шайхнинг кутубхонасида 400 жилдик қўлёзма китоблар сақлангани маълум. Жўйбор хўжаларининг Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асос солган тарикатга илхослари катталлигини ҳам эътироф этмоқ

қадамжю шўр тупроққа кўмилаёзди. Аммо, шoir айтганидай, узилган бир киприк абад йўқолмас. Буюк Илак йўли ёқасидаги муқаддас зиёратгоҳ мустақиллик шарофати билан 2000 йилда обод этилди. Ушунда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан умумхалқ хашари ўтказилиб унда 300 миллион сўмлик иш баҳарилган эди. Натийжада нодир обидаларга иккинчи умр бахш этилди. Инсон ақл-заковати эвазига бунёд бўлган ёдгорликлар сақлаб қолинди. Сир эмас, улкан қадамжю, меъморий

...ҚИЛМА ТОПАСАН

(Боши 1-бетда) Яна аламини ичкиликдан, ноқонуний равишда тўрт маротаба ўйлаиб, шунчаки вақтичоғлик қилишдан олди.

Эрини кута-кута, “энди келмаса керак”, дея ўйлаган Замира Янгийўлдан Сирдарёга жўнайдди. Ҳар нима бўлганда ҳам у ота уйини она уйдан афзал билди. Аммо, ичачица ўзлигидан, инсоний ҳислардан беғоналашиб кетган Нодир Сирдарёга ҳам бориб, кўча-кўйда хотинини бир неча маротаба калтақлайди.

Ҳақоратлайди. Опа уйда ҳам тинчлик кўрмаган Замира, отасининг ўйига қайтишдан ўзга чора топа олмади қолди.

Шу ўринда ҳақиби бир савол туғилди: Замира ўзига яраша дунёқарашга, фикр таразига эга бўла туриб, нега эрининг қуракда турмас, хурмача қилқилари юзасидан Янгийўл тумани ИИБ мурожаат қилмади? Қолаверса, маҳалла-қийди, қариндosh-билиш бир жойга йиғилиб, қўёв тўрани тартибга олиб қўйганда, эҳтимол, иккинчи жиноятга ҳам қўл урилмаган бўлармиди?!

Воқеа бундай содир бўлди. Кечкурун овқат пишириш илжинида қозон-товоққа уринган Замира ховли четида боғлоғлик турган отнинг пишиқиб, хуркиб кетганидан шубҳага тушди. Дарҳақиқат, унинг шубҳалари ўринли эди. Чўнтагидан бир мири ҳам қолмаган Нодир пайтини пойлаб, қайнотаси Ҳайдар Темировга тегишли отни ўғирлаб қочишдан ўзга чора топа олмагани. Шундан сўнг Нодир ИИБ ходимлари томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди. Аммо, кўр кўз барибир очилавермас экан, Нодирдаги ваҳшийлик, шафқатсизлик кундан-кунга юзага қалқиб бoшладди. У ҳатто хотини Замирага таъзийк, зўрлик ўтказиш йўли билан:

-Мен билан Қозоғистонга кетасан, ҳозирча гаров учун паспортинг менда қолади, - дейди.

Шу тариха у хотинидан 200 минг сўм пул сўрашга ҳам ийманиб ўтирмайди...

Темировлар оиласи қўёв тўранинг бири-биридан бе-мантлик, аҳмоқона хатти-харақатларидан тўйиб бўлганди. Айниқса, бу ҳолат Нодирнинг

жойи. Чор Бакрда Баҳоуддин Нақшбанд чиллага ўтирган зиёратгоҳ ҳам ҳозиргача сақланиб қолган. Ушлаб табарруқ зотлар хоки қўйилган бу зиёратгоҳ шўролар тузуми даврида қаровисиз қолиб кетди. Нуроб қолган масжид, мўъжаз минора, мақбара ва хонақоҳлар, бутун бошли маҳобатли обидалар тарихини ўрганиш халқимизнинг бой маънавий меросига қўшилган хисса бўлади. Бу ерда амалга оширилган ишларнинг буюк зотлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, улардан қолган маънавий меросни элга қайтаришда аҳамияти ҳам бениҳоя катта. Шу боисдан ҳам Президентимиз Чор Бакр

ЧОР БАКР ЗИЁСИ

меъморий ёдгорлиги, у билан боғлиқ улуг зотлар тарихини ўрганиш зарурлигини ўртага ташлади. ...Қадимий Чор Бакрда бўлсангиз дуога қўл очган нуруний отахону жажжи болажонларга дуч келасиз. Улар чехрасида барқ уриб турган нурни қуриб, ота-боболар хоки пойини зиёрат этиб руҳингиз энгли тортиди. Юракда шукроналик туясиз. Ишингизда Бурака бўлади. Хотиржам тортасиз. Буларнинг бари Чор Бакр зиёсидан. Бу зиё завол билмайди!

Истам ИБРОҲИМОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

обидалар тарихини ўрганиш халқимизнинг бой маънавий меросига қўшилган хисса бўлади. Бу ерда амалга оширилган ишларнинг буюк зотлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, улардан қолган маънавий меросни элга қайтаришда аҳамияти ҳам бениҳоя катта. Шу боисдан ҳам Президентимиз Чор Бакр

ЧОР БАКР ЗИЁСИ

меъморий ёдгорлиги, у билан боғлиқ улуг зотлар тарихини ўрганиш зарурлигини ўртага ташлади. ...Қадимий Чор Бакрда бўлсангиз дуога қўл очган нуруний отахону жажжи болажонларга дуч келасиз. Улар чехрасида барқ уриб турган нурни қуриб, ота-боболар хоки пойини зиёрат этиб руҳингиз энгли тортиди. Юракда шукроналик туясиз. Ишингизда Бурака бўлади. Хотиржам тортасиз. Буларнинг бари Чор Бакр зиёсидан. Бу зиё завол билмайди!

Истам ИБРОҲИМОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

ТОШКЕНТ. /ЎА мухбири Т.БОТИРБЕКОВ/. Олий Мажлис Санoат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур қўмита раиси И.Кочмарик бошқарган йиғилишда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуналарининг лойиҳалари (биринчи ўқиш) муҳокама этилди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Йиғилишда «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан ижро этилиши ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу Қонун қабул қилинган кундан бошлаб ўтган икки ярим йил мобайнида мазкур қўмита ва унинг жойлардаги бўлиналари томонидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Бу борада соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундирishi тартиби лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун ижросини таъминлаш учун қўмитанинг давлат архитектура-қурилиш назорати бoш бошқармаси ва унинг таъсирдоғида инспекциялар томонидан мунтазам равишда қурилиш ва бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришда меъморий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан четга чиқиб ҳолатларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилганлиги қайд этилди.

Қонунни бажариш бўйича амалга ошириладиган ишлар натижасида объектлар қурилишининг сифати яхшиланди, ишлаб чиқаришда технология интизом даражаси ошди, стандартлар, қурилиш меъёрлари ва қондиларини бузиш ҳолатлари камайди.

Шу билан бирга номи зикр этилган Қонуннинг ижросини таъминлаш бoрасида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятинидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Иштихон туманидаги “Уч қаҳрамон” ширкат хўжалигида ёпик спорт мажмуи қурилмақда. Унда спортнинг баскетбол, волейбол, минифутбол, енгил атлетика, бокс, кураш каби турларга мўлжалланган замонавий хоналар барпо этиляпти. Мажмуани Самарқанддаги “Чинор” ҳиссасдорлик жамиятининг “Болдин” қурилиш жамoаси бунёд этмақда.



Иштихон туманидаги “Уч қаҳрамон” ширкат хўжалигида ёпик спорт мажмуи қурилмақда. Унда спортнинг баскетбол, волейбол, минифутбол, енгил атлетика, бокс, кураш каби турларга мўлжалланган замонавий хоналар барпо этиляпти. Мажмуани Самарқанддаги “Чинор” ҳиссасдорлик жамиятининг “Болдин” қурилиш жамoаси бунёд этмақда.

СУРАТДА: Самарқанддаги “Чинор” ҳиссасдорлик жамиятининг “Болдин” қурилиш жамoаси ходимлари Абдурашул Жулибoев, Ҳамадулла Холов ва Мухиддин Норхўжаев. Тохир НОРКУЛОВ (ЎА) олган сурат.

БЮРОКРАТИ ЕНГИШ МУМКИНМИ?

(Боши 1-бетда) Ташкилот бошлиқлари, фермерлар, таъминотчилар, хўжалик раҳбарлари кўпинча юракларини ёришарди: “Нефтясиз деган қорихна бор. Ҳар тонна бензиндан 200 литр ёқилги олиб қолади. Бу ҳар кун учун ўн 10-20 тонналаб текин бензин дегани. Ҳар кун омондан тушган миллион-миллион сўм пул. Бу чуқур илдиз отин илганини “сўм пул”га қийим” дейишарди. Уларнинг эҳтиёт бўлиб, ҳадиксираб гапиршилари бесабаб эмас. Чунки бошқарув аппарати шундайди, норози хўжалик раҳбарлари сарсон-саргардонликка қолади. Бундан англаган бошлиқ ўзинча зарарни қоплатишнинг йўлиларини топарди. Ва барчаси ишлаб чиқарувчининг “беллини синдиради”. Бундай илпатдан қўтулуш осонми? Қўртбошимиз бу ҳақда “...биз бошқарув аппаратини ислоҳ қилиш жараёни осон ва силлик кечади, деган хомхавлларга берилмаслигини керак, - дедилар. - Мен бугуноқ, эртагаёқ ёқилги билан таъминлаш тизимида адолат ўрнатилушга ишонмайман. Бунинг учун ҳали жуда катта ишлар амалга оширилиши лoзим”.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишига бағишланган йиғилиш ислoхотларни амалга ошириш борасида ҳеч шубҳасиз қил қилувчи қадамлардан бирини қўйди. Гап энди уни ҳаётга таъбиқ этишда. Ҳаётда эса чиғаллиқлар, муаммолар, тўсиқлар қалашиб ётибди. Менга шундай тўлолди, уларнинг қўлини эски маъмурий-буйруқбозлик тизимини келтириб чиқараяпти. Бундан ҳар бир қадамда ҳис қиласиз.

Буй йил Сурхондарёнинг айрим жойларига галла ўримида янги “сўм” кўзга ташланди. Термик тумани “Янги ҳаёт” ширкат хўжалигида яққол қўрилди. Бошқарув раиси Эргаш Жумаевнинг ай-

тишича, хўжалик режани бажариши билан қўмандан бошқа жойга олиб кетилган. Баъзи далаларнинг яри ўрилган, яри ўривсиз қолган, оқий қилиб айтилса, жoим давлат режасидаги галани олиши билан қўмандани режани бажармаган бошқа хўжаликка юборди. Ижарачи, фермерми режадан ортик галани ўриб ололмай оилаб кутиб юраредди. Бунда шартнома эмас, туман ҳокимининг буйруғи “ишлайди”.

Хўжаликларнинг ҳисоб-савлово йиғилишларида ақсарият ҳолларда туман ҳокими ва хўжалик раҳбарининг йўриғи қурувчилар ими-жимиди тўпаланди-лар ҳолос. Хўжалик раисларининг тез-тез алмашishi сабаби ҳам шунда. Туман ҳокимига ёқмай қолган “Раис ишдан кетишга мажбур. Ўз “иктиёри” билан ариза ёзади. Халқ сайламадимми, хўжалик раҳбари халқни ўйлармиди? Уни “тепа”дан тайинлашди, “тепа”дагилар учун ишлайди”. Бунақа бошқарув усули бозор иқтисодиёти шароитида тўсиқдан бошқа нарсас эмас. Ҳатто айрим туманларда маҳалла оқсоқоллари ҳам туман ҳокими томонидан тайинланган номигагина “сайланмоқда”.

Қўртбошимиз ниҳоятда ҳақ ва ҳаётини гапни айтдилар: “Тан ошли керакки, хозирги кунда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизими олиб бoриладиган иқтисодий ва демократик ислохотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турибди”.

Шу ўринда фермерлик ҳаракатига эътибор қаратилганини айни мuddао деса бўлади. Чунки, фермерларнинг қўли ўрларда бюрократик тизимнинг азобларини тортаётгани сир эмас. Ўтган йили ўнлаб фермер хўжаликлари вилоятда туман ҳокимлари буйруғи билан ноқонуний тугатилиб, прокуратура аралашуви билан қайта тикланди.

Бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори 7-

бандида “Сурхондарёда ҳам “қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни қурулштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини тақомиллаштириш жадаллаштириш ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш бўйича ишлари қоникорасиз деб эътироф этилсин” дея таъкидлангани бежиз эмас. Туман ҳокими қарори бўлгани ҳолда ер ололмай орган фермерларни тез-тез ўрлатади. Қўллаб фермерларнинг шартномадаги минерал ўтинни ўз вақтида ололмай сарсон-саргардон бўладиганини айтмаймизми?

Қўлингиз, қишлоқда иш ўринлари ташкил этилмаптики. Қишлоқ инфратузилмаси ривожланмаптики, деймиз. Аҳир, бунга қайси йил бермаптик. Гоҳо поҳра қўрилганин илдиз отганлиги ҳақида гапирмизми? Бу маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оқибати эмасми?

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик тизимида, унинг қўли ҳудудий бўлиналарида туб ўзгаришлар амалга ошириладиган. Шундай пайтда ҳаётдан ўтди: қадрлар қандай танланаяпти? Бюрократ аппарат ўз босимини ўтказмаптики? Ёш, истеъдодли ва билимли кадрлар четга қолиб, пулдорлар ва “қозини кирк газ келдилаганлар” ўрнаши олимпиастикми?

Маърузада “...Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимида ҳар ким ўз ишини бажарсин: вазирилик ва унинг хўжалиги махсусотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларга хизмат қўрувчиси ташкилотлар ўз иши билан шуғулланиши керак”, деб айтилди. Бу узок йиллардан бери давом этиб келаётган эғина ҳам, буйғи ҳам илдиз отиб кетган “Деконга буйруқ бериб туриш керак” деган қилини парчалаб ташлаш, ундан воз кечиш даркор, дегани. Дехқоннинг ҳақиди ҳамон қамчи ўйнаётгани сир

АБДУРАУФ БОБОНИНГ ЧУВАЛЧАНГЛАРИ

(Боши 1-бетда) Озиклантириш, касаллик ва зараркундаларга қарши курашишда биологик воситалардан фойдаланиш қачонлардир асосий омилга айланиши шубҳасиз. Бунинг соғлом турмуш тарзи такозо этади, албатта. Дехқончиликда муқаррар таназзулдан эврилишини ўзга йўли ҳам йўқ.

Қадимдан дехқончилик билан машғул бўлиб келган аجدодларимиз XX аср ўрталаригача ҳам асосий озук сифатида маҳаллий ўғит, турли чиринди, бегона туپроқдан ва алмашлаб экишдан фойдаланиб келишган. Қул, турли ачимтир ўсимликлар, тамаки посси, барглари қайнатилган эса хашаротларга қарши курашда самарали фойдаланишган. Қузда мевали даратхларнинг ерга яқин танасига эски усадан, латталутиларни боғлашган. Қишлош учун ерга тўшадиган зараркундалар суъий “уй”га жойлашиб олгач, у ечиб олиниб, қуйидаги юборилган. Ана шундай оддий усулларини илмий ривожлантириш, тақомиллаштириш ўрнига қимёвий усулларга зўр берилиб кетилганлиги, афсуски, экологик бузилишларга олиб келди.

Узоқни кўра оладиган, дехқончилик маданиятига содиқ, инсон саломатлиги, табиат мусофоллиги учун қайтаридиган дехқонлар хамиша топилади. Улар ақл билан иш юритишди, ҳалол, покиза махсусот етиштиридилар. Шундайлардан бири Самарқанд туманидаги “Миришкор” фермер хўжалиги раҳбари Абдурауф бобо Давроновдир. Асл дехқон бўлган Бу киши узок йиллар йирик хўжаликни бошқарган. Богдорчилик, полиз ва сабзавотчиликка иختисослашган далаларга чириндилар севиб, паррандачилик, чорвачилик фермаларидан келтирилган гўнгни сувда ивинтиб, оқизиб хисобига мўл ҳосил олиб келган. Айни дамда 66 гектар ерда дехқончилик қилаётган “Миришкор” фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётган отахон ўз эътиқолида мўжиб турибди. Экинларини озиклантиришнинг зарарсиз йўлиларини ривожлантирмақда, илгор хорик технологияларини жорий этмақда. Етти йил давомида эришган ютуқлари фиркинизини далиллади.

Етмиш нафар ишчи доимий иш билан банд бўлган жамеа чўвалчанг божиб, қўпайтириб биогумус тайёрлашни исчилик йўлга қўйиб олишган. Биогумус экологик тоза озук бўлишдан ташқари ер унумдорлигини тобора ошириб бoришда самарали эканлигини кўрсатмақда. Ердан йилга икки қара ҳосил олинаётган. Сабаботчилик ва галличаликда рентабеллик 45-50 фоизни ташкил этмақда. Икки гектарлик исчиқона самарадорлиги ҳам тўқтовсиз ошмақда.

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БОЙ ХОТИН

Қувада ўзининг ташаббускорлиги, ишбилармонлиги ва меҳнатсеварлиги билан жамият ва давлат ривожига ҳисса қўшаётган аёллар кўпчилиги ташкил этилди. Ана шундайлардан бири, Уктам Саманов номли фермер хўжалиги бошлиғи Кароматхон опа Тиллаевдир.

Асл касби ўқитувчилик бўлган Кароматхон опа 2000 йилдан буён фермерлик билан шуғулланиб келади. У акиси бошлаган ишни муваффақиятли давом эттириб келмоқда. Чунки акиси Уктамхон Саманов 1996 йили яхши ниятлар билан фермер хўжалиги ташкил этиб иш бошлаганиди. Афсуски, бемаҳал ўлим уни ҳаётдан эрта олиб кетди. Фермер хўжалигидаги юмушларга қарашли турган Кароматхон опа кейинчалик раҳбарлиқни ўз зиммасига олди.

Кароматхон Тиллаеванинг қадими кутлуғ келди. Биринчи йиллик давлатга бугдой сотиш шартномавий режалари ортиги билан удалланди. Пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга ўсиб, 30 центнердан 43 центнерга етди. 2001 йилги "Ташаббус" таловининг вилоят босқичида "Энг яхши солиқ тўловчи" номинацияси бўйича биринчи ўринни олгани қаҳрамонимизнинг алоҳида ютуғи.

Хозирда фермернинг ихтиёрида 87 гектар ер бор. Кароматхон Тиллаева бу майдонларда пахта ва галла етиштиришдан ташқари анорзор бок ҳам бўёб эتماкчи.

Ўтган йили 500 тупдан зиёд Қубанинг "Тягуши" аноридан эфирдирим - дейди кўлимсираб Кароматхон опа. -Йилда ҳосилга қиради. Келгусида анор шарбати тайёрланадиган кичик цех қуришни ниятдаими. Анордан қандолатчиликда, тиббиётда ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Гулбарги ва пўстидан пушти, қизил бўёқлар тайёрласа бўлади. Аммо бултурги совуқ анорларга таъсир қилди.

Фермер хўжалиги деҳқонлари 45 гектар ерга "АН-512" навли чигитни 100 фойз плёнка остига қадаганлар. Дарвоқе, фермер хўжалигида 30 гектар майдондаги бугдой ўриб олиниб, гектар бошига 60 центнердан хирмон яратилди.

Ҳали шийпонимизда ҳаммом ҳам қурамыз. Қолган шароитлар - дам олиш хоналари, ошхона, тандрхона, кутубхона бор. Ахир меҳнаткашга дам олиши учун ҳам етарли шароит зарур. Бу йил ҳар бир ишчига 25 килограммдан пахта ёғи, 300 килограммдан бугдой бердик. Аёлларимизнинг соғлиғи, мароқли дам олишига эътибор қучли. 15 нафар аёлларимиз Қирғулидаги энергетиклар оромгоҳида 12 кундан дам олиб қайтишди. Бундан улар ҳам, мен ҳам ниҳоятда хурсандимиз. - дея тўқилганиб гапирди фермер опа.

Фермер хўжалигида иссиқхона қуриш тадориги қўрилмоқда. У бунёд этилса аэролар қишда ҳам гул ва сабзавот етиштирадиган. Даромадга қараб булмади. Бу йил галлачиликда катта галабага эришилди. Энди пахта режиси ҳам адо этилиб, хирмонларга 155 тонна "оқ олтин" етказилса, 25 миллион сўмга яқин даромад қилинади.

Жаҳонгир ХОЛИКОВ

(Боши ўтган сонда) Бу тавсиялар қўлаб омиллари ўз ичига олган. Жумладан: Экинлар структурасига озунка экинлари, дуқакли ва моли экинларни киритиш билан тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш (балл - бонитетининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик) ва иложи борича уни ошириб бориш;

Экинлар турларининг алмашиб туриши ерларни бегона ўт босиши ва тупроқдаги касалликларни келтириб чиқаришга заҳарли қўлайири;

Турли экинлар экилиши, вегетация ва ҳосилни йиғиб олиш мuddатлари турлича бўлганлиги ҳисобига ресурслардан (сув, техника, ишчи кучи) самарали фойдаланиш имконияти яратилади;

Экинларнинг бир гектардан бўладиган даромади ҳар хил бўлганлиги ҳисобига, паст даромадли экинлардан олинмаган даромад юқори даромадли экинлар ҳисобига қўланади, натижада фермерлар ва оилавий пудратчиларга паст даромадли экинларни экиш малол келмайди, хўжалиқнинг рентабеллик даражаси юқори бўлади;

Озуқабоп экинларнинг экилиши тупроқ унумдорлигининг ошишига икки фактор билан таъсир кўрсатади. Аввало тупроқда биологик азотнинг тўпланиши бўлса, иккинчи томондан чорва мол бош сонининг кўпайишига имкон яратади, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш яқшиланади;

Озик-овқат экинларининг (сабзавот, полиз, картошка ва ҳоказо) қўлайиши ва уларнинг эрта, ўрта ва кечки мuddатларда экилиши аҳолини бу турдаги маҳсулотлар билан таъминлашни яқшилади, бозорларда нархнавоми пасайиши билан бир қаторда хўжалик ҳисоб рақамиди йил давомида маблағ бўлиб туришини таъминлайди. Хуллас, фермерлар ва оилавий пудратчилар ҳуқуқ ва имкониятларини ҳаддан ташқари чегаралаб қўйиш бозор талабига тўғри келмайди.

Ислохотнинг ўрта бундада қиришмаётганлигининг ҳам сабаблари бор. Аввало хўжалик раҳбарининг мустақил фаолият кўрсатиш имконияти чегаралаб қўйилган. Қўнгина ҳолатларда у маҳсулот етиштирувчи билан туман раҳбарияти ўртасидаги юқоридан олган топириқни бажарувчи субъект сифатида фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, экинлар структурасини ўзи белгилай олмайд, моддий ресурслар юқоридан белгиб берилади, айниқса, молиявий ишларда мустақил фаолият кўрсатиш

имкониятига эга эмас. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот кўп ёки оз бўлишидан қатъий назар, унга маълум миқдорда маош белгилаб қўйилган. Хўжалик раҳбарини маҳсулотнинг қўлайиши ва таннархининг арзон бўлишидаги манфаатдорлиги белгиланган эмас. Амалда у фақат шартномани 100 фойз қилиб бажаришга жавоб беради. Шунда ишлаётган лавозимда қолиши мумкин, агар 100 фойз бажарилмаса, молиявий ҳолатнинг қандай бўлишидан қатъий назар ишдан бўшатилди. Ишдан бўшатиш механизми ҳам бир қатор ҳолатларда мавжуд қонунга хилоф равишда амалга оширилади. Бугун фаолият кўрсатаётган хўжалик раҳбарларининг аксарияти

номада томонлар мажбурияти кўрсатишган. Аммо, бу мажбуриятлар кўпроқ хўжалик раҳбари томонидан тўлиғи билан бажарилмаётган. Жумладан, минерал ўғит, ёнғил, кимёвий воситаларни, шунингдек, техника ёрдамида бажариладиган ишлар бўйича хўжалик раҳбари бўйича мажбурият олса ҳам, аммо буларни бажариш қўлидан келмайди. Чунки бу ишлар бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотларга боғлиқ. Хўжалик раҳбари уларга таъсир кўрсатиш имкониятига эга эмас. Бу ерда тўлов механизмининг ҳам ишламаётганлигини ҳисобга олиш керак. Ислохотнинг нормал бориши учун ўзаро тўлов механизми яхши ишлаши лозим. Бугун тўлов интизомининг йўқлиги ёки тўлиқ

ошириш билан боғлиқ. Хулоса қилиб айтганда, ўрта бунинг (хўжалик, туман ва вилоятларнинг раҳбар ва мутахассислари) юқориди санаб ўтилган муаммолар билан шуғулланишлари керак. Шундай бўлганда ўрта ва кўн бунинг бир-бирини тақдорламайди ва бир-бирини тўлдирган ҳолда ислохотларни жорий қилиш имкониятига эга бўлади.

Иқтисодий ислохотларни жорий қилишда юқори бунининг (республика ташкилотлари ва қонунийлик органлари) ўрни албатта катта.

Бу масалда Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотнинг беш тамойилига таянмоқ зарур.

Ўтган давр ичида юқори бунинда қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, меъёрий ҳужжатлар тайёрланди. Уларга зарурит туғилса ўзгартиришлар киритиб боришмоқда. Шунга қўра, қонунийликни такомиллаштириш ва меъёрий ҳужжатларни ислохотнинг боришига қараб тайёрлаб бориш юқори бунининг бош вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, асосий эътиборни ислохотни яқин келажакда амалга оширишга қаратиш лозим.

Ўрта мuddатда мўлжалланган вазифалар 5-10 йилни қамраб олиб, шу давр ичида олий бориладиган қонунийликни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни лойиҳалар асосида ривожлантириш, уруғчилик, навларни янгилаш, маҳсулот етиштиришнинг янги йўналишлари каби вазифалар қаратилиши керак. Узоқ мuddатда мўлжалланган вазифалар 15-20 йил ичида бажарилиши лозим бўлган аграр соҳа истиқболли, янги техникалар яратиш ва соҳа моддий базасини тўлдир янгилаш, ўсимликларнинг янги навларини, чорва ҳайвонларининг янги зотларини яратиш каби масалаларни ўз ичига олиши керак.

Шундай қилиб, ҳар бир бунинг ўз вазифасини бажариши ислохотнинг муваффақиятини таъминловчи бош омил ҳисобланади.

Биз қўнгина ислохотни ўзимизнинг тушунамизга, ўзимизнинг менталитетимизга ва иш услубимизга мослаштиришга ҳаракат қиламиз, вақоланиши биз ислохот қонунийликларига мослаштириш ва шу қонунлар асосида иш олиб боришимиз керак. Ана шунда сунъий тўқилма ҳолат қолмайди.

Р.ХУСАНОВ, Ўзбекистон Бозор Ислохотлари Илмий-тадқиқот институти директори, академик.

ҲАР КИМ ЎЗ ИШНИ БАЖАРСИН

хўжалиқнинг истиқболли устида ўйлаётгани йўқ, уларнинг кўпчилиги ҳатто хўжалик 2-3 йилда қандай кўрсаткичларга эришиши мумкин эканлиги бўйича тасаввурга ҳам эга эмас. Хўжалик раҳбарларининг аксарияти ўз устида ишламайди, ҳуқуқий билими паст. Улар тез-тез алмаштириб турилиши натижада баъзи бирлари ислохотларни тушунамайди ҳам.

Раҳбарнинг асосий вақти дала айлашни, арготехник тадбирларни ўтказиш нозорат қилишга, ресурсларни етказиб беришга сарфланади. Илгари улар 4-5 бўлим ва 20-25 та бригадирлар билан ишлаган бўлса, эндиликда 300-350 нафар оилавий пудратчилар билан ишлаш қўйиш шарт бўлиб туриши шартнома асосида ишлашлари лозим. Шу боис бунда пудратчи лавозимни жорий этилган. Аммо бош пудратчи аста-секинлик билан эски бригадирга ёки участка бошлиғига айлиб бормоқда. Натижада хўжалик раҳбарлари оилавий пудратчилар билан етарли даражада ишламаётганлиги Албатта, 300-350 оилавий пудратчи билан ишлаш қўйиш, аммо шулар асосий маҳсулот етиштирувчилар, шунинг учун улар билан ишлаш механизмининг ҳар бир хўжалик раҳбари ўз хўжалиги шароитидан келиб чиққан ҳолда яратиши шарт.

Хўжалик раҳбари оилавий пудратчилар билан шартнома тузган, шарт-

ишласлиги деҳқону фермер қатори у билан шартномада ишловчи барча қорхоналарни ҳам қўйиб қўймоқда. Шу боис шартнома шартларининг бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яқшилаш, сарвис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, уруғчиликни ривожлантириш, нав танлаш, сара уруғ билан таъминлаш масалалари ҳам ўрта бунининг зиммасига тушади. Истиқболли белгилас, 2-3 йилга мўлжалланган режалар тузиш, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш, қадоклаш, ички ва ташқи бозорга чиқариш, транспорт хизматини йўлга қўйиш ҳам ўрта бунинг вазифаларидан ҳисобланади.

Ўрта бунинг зиммасидаги вазифалардан бири бу қишлоқ хўжалиқига инвестицияларни жалб қилиш, маҳсулотни қайта ишлашни кенгайтиришдан иборат. Маълумки, хўжаликни тарқатилиб, улар ўрнида фермер хўжалиқларини ташкил қилиниши қишлоқда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда бир қатор қўйинчиликларни келиб чиқишига олиб келмоқда. Шу боис ўрта бунинг қўшимча иш ўринлари яратиш, ишсизлик масаласини ҳал этишни ҳам зиммасига олиши керак. Ўрта бунинг вазифаларидан яна бири - бу кадрларни тайёрлаш ва малакасини



Хўжабод туманидаги А.Набиев номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси Маҳмуджон Рўзиохуновнинг далаларида пахта очила бошлади. Хозирда бу ерда гўзга сўнги ишлов берилмоқда. СУРАТДА: пудратчи Маҳмуджон Рўзиохунов механизатор Тўлабқой Бўтаев билан келгуси режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Х.АРАББОЕВ олган сурат.

Дўппи - почта МАРКАЛАРИДА

Ўзбек дўппилари оламга машҳур. Ўзбек миллий бадий хўнарамдчилигининг бу маҳсулоти санъат даражасига кўтарилиб, ўзгача жозиба бахш этмоқда.

Эндиликда Марғилон, Чуст, духоба, ироқи, зардўзи дўппилари мўлкалам усталарининг нозик тасвирида, почта маркаларида нафис безак топди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи жамоаси ҳамда "Ўзбекистон маркаси" очик ҳиссдорлик жамияти билан ҳамкорликда "Ўзбек дўпписи" деб номланган рангли маркани чиқарди.

Дўппиларнинг туркум қўрилиши акс этган маркалар мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги олдида музейнинг ноёб экспонатларига айланди.

"Туркистон-пресс"

2003 ЙИЛ 5 АВГУСТДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган мактаб ёзув қуроллари ва кийим-кечакларни сотувчи бозорлар, ярмаркалар ва бўлимларнинг жойланиши

Table with 3 columns: №, Ташкилотлар номи, Ярмаркалар сони, Турғун савдо дўконларидаги бўлимлар сони. Lists various markets and trade centers across the region.

Ушбу мактаб бозорларида ўқув-ёзув қуролларидан - ўқувчилар дафтари, умумий дафтларлар, кундалиқлар, расм дафтари, оддий ва рангли қаламлар, акварель бўёқлар, портфеллар мавжуд.

Мурожаат учун телефонлар: 139-13-15, 139-10-93

ЯРМАРКАЛАРГА МАРҲАМАТ! "ЎЗБЕКСАВО" АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

"МИ-8" ҚАЁҚҚА ЙЎҚОЛДИ?

Россиянинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизматига хабар беришларича, сешанба кўни маҳаллий вақт билан 14.40 да Петропавловск яқинидаги Излучина майдончасидан "Ми-8" русумидаги вертолёт ҳавога кўтарилди.

Унинг бортига 13 киши ва 200 килограмм атрафода юк ортилган эди. Соат 15.40 да бир маромада учиб бораётган экипаж ва Елизов аэропортининг назорат хизмати диспетчерини ўртасидаги алоқа кўтилмаганда узиллиб қолади. Бу пайтда вертолёт тахминан Камчатка жанубидаги Курильск қўли тепасида булиши лозим эди. Бирмунча уринишларга қарамай, экипаж билан боғланишнинг иложи бўлмади.

Вертолёт бортида Сахалин вилояти маъмуриятининг расмийлари, жумладан губернатор Игорь Фахрудинов ҳам бўлган. Хозир мазкур ҳудудда исзис йўқолган экипажни топиш учун икки қидирув вертолети ва 10 та махсус қайиқлар йўлга чиққан.

ЭНГ ЙИРИК ХУРУЖ

Фаластинлик террорчи-камикдазе Қуддус шаҳрида, лиқ тўла автобусда ўзини портлатиб юборди. Сўнги маълумотларга қўра, фожиа оқибатида 20 киши ҳалок бўлган, 130 нафар йўловчи жароҳатланган. Жабрланганлар орасида болалар ҳам бор.

Исроил маъмурияти ушбу террорчи мувофиқ Фаластин томони билан музокарага киришган.

Маълум қилинишича, бу Исроил - Фаластин можароларига дахлдор бўлган, ун йил мобайнидаги энг йирик хуруж ҳисобланади. Портлаш содир этилган автобус Қуддусдаги Инги девори остида ибодат қилиб қайтаётган яҳудийлар билан лиқ тўла бўлган. Портлаш Шмуэль Ха-Нави кўчасидан ўтаётганда, яна бир автобус ёнма-ён келиб қолган пайтда содир этилган. Жароҳатланганлар тез фурсатда яқин орадаги шифохоналарга ётқизилган. Улардан 20 нафарининг оёққа туриб кетишига ҳеч қандай умид йўқ, дейишмоқда тиббиёт ходимлари.

БМТ ВАҚИЛИГА СУЙҚАСД

БМТнинг Ироқдаги ваколатхонасида юз берган портлашда 17 киши ҳалок бўлган, 100 дан ортиқ киши жароҳат олган, 10 дан ортиқ жасад вайроналар остида қолиб кетган. Террактин сабаблари Федерал қидирув бюроси томонидан атрафлича тадқиқ қилинмоқда.

БМТ миссияси ва АҚШ ҳарбий контингенти вакиллари БМТнинг Ироқдаги махсус элчиси Сержио Виейра ди Мельонинг ҳам нобуд бўлганини кайд этишди. Ироқдаги муваққат ҳукумат раҳбари Пол Бремернинг фикрича, Бағдоддаги БМТ ваколатхонасида содир этилган теракт айнан БМТ бош котибининг махсус вакилини жисмонан йўқ қилишга қаратилган экан.

36-"ҚОРА БЕВА"

Чеченистондаги федерал қўчалар Раиса Фаниева исмли бир аёл ёрдамида Шомил Басаев томонидан тузилган шахидлар отряди сирини фож этишди.

Полковник Шабалкиннинг фикрича, Басаев тарафдорлари гитара чалиш ва қўшиқ айтишни жонидан ортиқ қурадиган чечен кизи Р.Фаниевани Басаев тарафдорлари Муҳаммад ал-Ваҳоб таълимотини ўрганиш ва тинч аҳолини қиргин қилишга мажбурлашган.

2002 йил октябрда Москвадаги Дубровка театр марказида гаровдагиларни террорчилар қўлидан озод этиш чоғида ҳалок бўлган икки нафар "шаҳида"нинг синглиси бўлган Р.Фаниева душанба кўни ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилган. Унинг таъкидида, акиси Ш.Басаев тўдасига мансуб Руссун синглисини ваҳобийлик гоиларини қабул қилиш ва террорчи-камикдазе бўлиш учун тайёргарликка даъват этган. Унинг айтишича, Дубровкадаги терактда ҳалок бўлган оилалари Фотима ва Миленалар ҳам айнан Рустамнинг таъйиқ остида террорчи-камикдазелар гуруҳига қўшилиб қолишган.

Ўз жони эвазига "жиҳод" қилаётган бундай шахидлар Россия жамоатчилиги томонидан "Қора Бева" лар дея ном олган. Маълумотларга қўра, Ш.Басаевнинг қўл остида ҳозирча 35 нафар "қора бева" тайёргарлик қўрмоқда. Раиса уларнинг 36-чиси бўлиши мумкин эди.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

ЛИБЕРИЯДА МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТ ТУЗИЛДИ

Либерияда сиёсий беқарорлик секин-аста барҳам топмоқда. Ниҳоят, кўни кеча Гана пойтахти Аккарада мамлакатдаги ҳукумат ва муҳолифат қўчалари муваққат ҳукумат тузиш тўғрисидаги битимни имзолади.

Битимга мувофиқ, тузилажак янги ҳукумат таркибидан аҳолилик ва демократия учун либерияликлар иттифоқи (ЛУРД) муҳолифат гуруҳи вакиллари ҳозирча мамлакатда вице-президент лавозимига ўз номзодини қўйишдан бош тормоқда. Қуролли можарога дахлдор бўлган томонлар ва сиёсий партияларни ўз таркибига олган муваққат ҳукумат жорий йилнинг октябр ойидан ўз фаолиятини бошлади. Маълумотларга қўра, мамлакатдаги ўтиш даври ҳукуматининг ваколати 2006 йил январ ойида берияда умумхалқ эилиши шарт.

Ўтган душанба кўни Либерия прелор истеъфога чиққанини маълум қилган эди. Хозирча мамлакат вице-президенти лавозимига ишлаб келаётган Мозес Бла вақтинча президент вазифасини бажариб турибди. Маълумотларга қараганда, Либерияда умумхалқ сайловлари ўтказилгунга қадар муваққат ҳукуматни Мозес Бла идора қилади.

Аккарада имзоланган тинчлик битимиди томонлар ўртасидаги қуролли тўқнашуларга барҳам бериш, ўзаро ўт очишни тўхтатиш, мамлакат армиясини қайта ташкил қилиш, барча сиёсий ва ҳарбий маҳбусларни озодликка чиқариш ҳамда Либерия ҳудудидаги халқаро ташкилотларнинг хавфсизлигини таъминлаш кўзда тутилган.

БМТ бош котиби Кофи Аннан Фарбий Африка мамлакатлари иқтисодий аҳамияти ЭКОВАС аъзоларининг Либерияда барқарорлик ўрнатиш борасида қилган барча сазй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирган. БМТнинг Нью-Йорк даги бош қароргоҳида қабул қилинган баёнотда айтилишича, айни пайтда БМТ Либерияда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун барча чораларни кўрмоқда.

Оқ уй матбуот котиби Скотт Макклеллан журналистларга интервью берад экан, Либерияда ўтиш даври ҳукуматини тузиш тўғрисидаги битим мамлакат келажиги учун муҳим ёрдам эканини таъкидлади.

АҚШ президенти Жорж Буш АҚШ ҳарбий денгиз пивдаларининг октябр ойига қадар мамлакатни тарқ этишини маълум қилган. Айни пайтда эса Либерияда 300 га яқин америкалик ҳарбийлар фаолият олиб бормоқда. АҚШ ҳукуматининг маълум қилишича, бу ерга киритилган ҳарбийлар Либерияга унга қўшни давлатлар тинчлигини сақлашда қўмақлашади.

Улугбек СУЯРОВ

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИККАТИГА! КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ

"Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг "МТ Инвест-Импэкс" фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасида келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд. Тўлови пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етиштирилган ҳосилни ёғ заводлари шартнома асосида қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.

Деҳқон ва фермер хўжалиқлари соҳиблари, Сизлар учун! ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Complex advertisement for agricultural equipment. Includes images of sprayers and pumps. Text describes various types of sprayers and their benefits for farmers, mentioning 'Agrihim' and 'Uzbekistan-Italy' brands.

SPORT OLAMIDA

"НАСАФ" "ЎЗИГА" КЕЛОЛМАЯПТИ

Кўкон шахрида ўтказилган "Кўкон-1912" - "Насаф" ўртасидаги бешлаш билан футбол бўйича олий лига жамоаларининг 18-тур бешлашувлари ниҳоясига етди. Кўчлик футбол мутахассисларию ишқибозлар бахда меҳмонларнинг галаба қозонишларида шубха қилишмаганди. Аммо, Ўзбекистон Кубоги финалида "Пахтакор" футболчилари имконияти ни бой берган қаршиликлар тўп усталари "Ўзла-рига" келолмаяптилар, шеклили, маҳорат, тез-корлик бобида кучсиз ҳисобланган "Кўкон-1912" жамоасига йирик ҳисобда енгилишти. Шуниси ҳайратланарлики, ушбу бешлашда "Насаф" дарвозасига уч бора жабовсиз тўп йўлланди. Хозирданок айтиш мумкинки, биринчилик қоллибги учун кураш асосан "Пахтакор" ва "Нефтчи" ўртасида кечади.

ГУРУХ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Болавар ва ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган "Футболлими келажак" турнири давом этмокда. Куни кеча пойтахтимиздаги "Тўқимачи" уйингоҳида 9-10 ёшли болавар ўртасида "Футболлими келажак" турнирининг Тошкент шаҳар босқичи гуруҳ баҳсларига старт берилди. Унда пойтахт туманларининг қоллиб жамоалари "А" ва "В" гуруҳларида бўлиганди ҳолда қоллибги учун ўзаро майдонда тушмоқдалар.

СИНОВ

Осиё чемпионати саралаш баҳсларига жиддий ҳозирлик қўриш максасида Равашн Ҳайдаров етакчилигида Ўзбекистон терма жамоаси Латвияга сафар уюштиришти. Шуниси эътиборлики, терма жамоамиз раҳбарияти учрашуларда маҳаллий футболчилар билан бирга хоризда тўп сурарётган легионерларимизнинг маҳоратларини ҳам яна бир бор синовдан ўтказишти. Имкони борича рақибларга муносиб қаршилик қўрсатиш ёки галаба қозонишни ўз олдига ниёт қилган терма жамоамиз латвийликларга қарши қўйидаги таркибда кеча майдонга тушишти. Дарвозабон; Игнатий Нестеров, Алексей Поляков, химоячилар; Асрор Алиқуллов, Андрей Федоров, Александр Хвостов, Бахтиёр Ашурматов, ярим химоячилар; Сервер Жепаров, Темур Қонаев, Владислав Кириян, Леонид Кошелев, Анвар Солиев, Николай Ширшов, Андрей Аюпов, Виктор Карленко, ҳужумчилар; Зайниддин Тожиев, Владимир Шишелов, Александр Гейрич, Максим Шацких. Кеча ўтказилган ана шу учрашув ҳақида газетамизнинг келгуси сонларининг бирида батафсил маълумот берамиз.

САФАРДАГИ ГАЛАБА

Футбол бўйича мамлакат XII миллий чемпионати биринчи лига жамоаларининг 17-тур бешлашувлари яна пешқадамга омад келтирди.

Жорий йилги мавсумни биринчи ўрин билан яқунлаб, олий лигага қайтишни ниёт қилган Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоаси ҳақиқатан ҳам аҳойиб йўлни намойиш этмокда. Шу кунгача мағлубият нималигини биймай келарётган, фақатгина икки маротаба жамоалар билан "мурося йўлини танлаган" "Сўғдиёна" 14 маротаба рақибларини майдондан бош эгиб чиқишга мажбур этганлиги қоридаги фикримизнинг исботи бўла олади. Бу сафар ҳам Тошкентда "Пахтакор-2" жамоасига қарши тўп сурган жижизахликларга майдон эгаларини енгиш қийинлиги тугиди. Ақсична, кетма-кет ҳужумлар, қиройли комбинациялар, тезкор ўйин ўз саъясини бериб футбол мухлислари учрашув охиригача умта голларини гувоҳига айланшти. Хуллас, тошкентликларни 3:0 ҳисобида енга олган меҳмонлар яна муҳим уч очкони қўлга киритишти. Дарвозага тўпларни Алиқуллов, Зухуров, Чориевлар киритишти.

Қолган учрашувларда қўйидаги натижалар қайд этилди: "Ангрен" - "Шўртан" 2:3, "Локомотив" - "Шахрихон" 5:1, "Хоразм-2003" - "МВУ-Осиё" - 2:1, "Хазорасп" - "Кимёгар" 0:1, "Зарафшон" - "Чағонийён" 0:0.

Куни кеча ўтказилган 18-тур баҳслари эса қўйидагича якуланди: "Пахтакор-2" - "Шўртан" 3:2, "Локомотив" - "Навбахор-2" 4:1, "Ангрен" - "Сўғдиёна" 1:2, "Хоразм-2003" - "Кимёгар" 1:2, "Хазорасп" - "НБУ-Осиё" 2:2, "Зарафшон" - "Шўрчи" 1:1.

Демак, 17-турдан сўнг ҳозирча турнир жадалларини 47 очко билан "Сўғдиёна" бошқариб турган бўлса, иккинчи, учинчи ўринларда бораётган "Локомотив" да 44, "НБУ-Осиё" да 34 очко бор.

ТАШАББУС

Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида хайрли ташаббус илгари сурилди.

"Хоразм" ширкат ҳўжалиги биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаш билан бирга мазкур ширкат ҳўжалигида замонавий ўйингоҳ бунёд этилиши алақачон бошлаб юборилди. Уч ярим гектар ер майдонида бунёд этилажақ ўйингоҳда хозирда чим ёткизиш ишлари авжида. Хаво ҳарорати 40 даража иссиқ бўлишига қарамай, ширкат ҳўжалиги аъзолари бу савобли юмушда жон-жон деб қатнашаётганлари қувонarli ҳол. Хозирда томошабинлар ўтирадиган ўриндиқлар ҳам тайёр ҳолга келтирилди. Мутасаддилар ташаббуси билан 300 миллион сўм маблаққа қўриларётган ўйингоҳ ёнида спорт мажмуасининг ҳам қад ростилаётганлиги қувонarli. Ана шунда болажонлар спортнинг футбол тури билангина шуғулланмай, балки ёз, қиш, баҳор, куз айлирида ҳам баскетбол, волейбол, қўл тўпи, оғир атлетика, енгиш атлетика, бокс, теннис, шохмат, шашка ширларини ўрганиши имконига эга бўлади.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

қиллоқларидаги азиз зотлар кадамжоларини бориб қўрдим. Кенасида эса ҳазрат Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдим.

Ургут - менинг Ватаним, ота-болаларим ўтган диёр. Унинг ҳар қиллоғи, ҳар гўшаси менга азиз. Ургутликлар - менинг туғишларим, ака-ука, опа-сингил, қавму қариндошларим. Ургут аҳли азалдан меҳнаткаш, хунарманд, ижодкор, савдогар, фозилу фузалу, уламою аллома, шоирю олим. Ургут - қирқ хунари билангидан қишлар диёри! Иймон-этиқоди бут, дину диёни устувор одамлар Ватани!

Ургут аҳли Мустақилликнинг ўн икки йиллигига арзирли тўғфарлар тайёрлади. Туманда авж олиб кетган ободончилик ишларини қўриб, қўзиниға ишонмайсан. Йигирмадан ортиқ бунёдкорлик мажмуида иш қизгин: мактаб, шифохона, кутубхона, дўкон, ошхона, нон-войхона, чойхона сингари эл эътибжини қондирадиган зарур иморатлар қурилмакда. Ушбу енги мақсадлар байрам қўни элга эшикларини очса, не ажаб.

Жаннатни қидириб нима қиласиз. Ҳақиқий жаннатни қўрмоқчи бўлсангиз, жаннат яратётган қишлар билан ҳаммуҳабат бўлмоқчи истасангиз юртимизнинг шаҳару қишлоқларини бир кезиб чиқинг. Ўзбекистон чинакам жаннат диврига айланганга гувоҳ бўласиз. Жаннат яратганлар - ўзбек халқининг асл фарзандлари, феълй кенг, дили соф, ниъати тоза, бағри бутун қишлар, Мустақиллик мейморлари, Хуррият богбонлари, Озодлик фидойилари!

Мухтарам Президентимиз ушбу йилни "Обод маҳалли воҳийи" деб айтаган эдилар. Амри йили! Айни мудида! Не бахти, эркин замонда бутун элу юрт обод бўлмокда. Пойтахти азимдан андоза олган диёримиз жаннатмақомага айланмокда. Аввалги Ўзбекистон қаердаю бугунги Ўзбекистон қаерда! Бунинг ҳаммаси Мустақиллик шарофати, Юртбошимизнинг раҳнамоллиги тўғрисида эканлигини халқимиз яхши билади. Ушбу Истиқлол бадиасида қаминга жаннат яратётган азиз қишлар номларини санаб ўтирмайди. Чунки, бу қийин иш. Нега десангиз, улар жуда қўп - юзлаб, минглаб, миллионлаб. Рақамларга сиймайди. Алқисса, Хурриятдан руҳанлар бутун ўзбек халқи жаннат яратмокда. Ўзбекистонни ўз она юртини фирдавсондан қилмокда. Бу қандай улғу бахт! Бу бахт барчага насиб қилсин. То абад бошимиздан Бахт ва Эрк қуши кетмасин, иншоолла!

- Жаннат яратганлар бор бўлсин, дўстлар, Изазат кромкага ёр бўлсин дўстлар, Хуррият ҳаётин зийнати бўлсин, Элу юрт дилига ор бўлсин, дўстлар! Барот БОЙҚОБИЛОВ

бўлади. Дехқоннинг қадами кутлуг. Дехқон танти, саҳий, баракали, инсофли одам, иймон-этиқоди эса мустақкам, бутун одам!

Яна Самарқанда раваона бўлдим, парваона бўлдим. Равзаи фирдавсдан излаб кавсарини, Васлига етгунча сўзона бўлдим.

Самарқанд дунёдаги муқаддас шаҳарлардан бири, абадул-абад юлдузи порлоқ шаҳар. Ҳазрати Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотрудий, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам қабрларини зиёрат қилиб, Самарқандни бир айланиб чиқдим. Шохизинда, Гўрмир, Регистон, Бибиномини кадамжоларида,

улуг аждодлар покиза руҳларини шод этдим. Сўғдиёна болалар богини, Университет хиёбонини, Оқсоқоллар қошонасини томоша қилдим. Мартабали меҳмонларга қурилган қасри олийда бўлдим. Ҳазрати Амир Темур, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ҳайкаллари қошида таъзим қилдим, улуг устозларни арафа айёмида яна бир бор ёд этдим, шўқрлар қилдим.

Хурликни яратиб қўйганга раҳмат, Тинчликда яратиб қўйганга раҳмат. Эмин-эркин яша дебон юртингда, Сўзимиз янграбди қўйганга раҳмат!

Самарқанд улуг байрам шарафига яна ҳам ораста ва қўркам бўлибди. Вилоятнинг барча туманлари Самарқандни оталиққа олибди. Шаҳарнинг Сиеб, Боғишамол, Темирийул туманлари, барча маҳаллалари, кўчаю йиёбонлари, боғу майдонлари вилоятнинг барча туманларига тақсимланиб берилди. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг ўн икки йиллиги шарафига аҳли Самарқанд муборак баҳбада турибди. Шарқ туманлари янграётган қадимий шаҳар улуг айёми ясан-тусан қутиб олмокда. Бахт сенки, даврон сенки, кам бўлма, байрам муборак, она шайрим!

Тайлоқ, Самарқанд туманлари далаларини кезиб, Оқматч, Рава-нак, Даштақиболо, Адаас, Давлатобод, Богизогон қишлоқ аҳли билан мириқиб суҳбатлашиб, дўсту биродарлар, таниш-билишлар дийдорига тўйиб, Ургутга отландим, туғишларим бағрига етдим. Сўғдиёна азиз авлибаларни хотирлаб, Ғус қишлоғида ҳазрати Ғавс ул-Аъзам қабрида бош эгдим. Камонгаронда ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг раэмий қабрини зиёрат қилдим. Вағашти, Зинак, Испанза, Нусбат

КАТРА

"Ўғилгинам, сог-омон юрбисанми? Оч-наҳор қолмайсанми? Сигирни ҳар соққанимда энг олди қаймоғидан ризкингни олиб қўяман. Ариқ бўйидан ялпис териб қўйган эдим. Кўкратли овқатларни яхши қўрсан-ку, келишингни бил-лик ҳўк сомса ёлиб қўйдим..."

ТУШ

...Жияним сочинми тўзғитиб ўйнаётганидан уйкум бўзилди. Раҳматли онами тушида яна қачон қўраман, биладим? Киприқларимдаги намини гўдақдан яширмоқчи бўлсам, аммо у далаёлмайман.

Меҳрибон онажоним, рост-и, ҳаётлигиниғизда сизнинг қадриниғизга етмаган эканман. Энди надоматдан ўзаг йўл тополмай, ўт ичида қолган одамдай тоқатсизланаяман. Онажон, эслаб қўрсам сизни бирлар марта турлган кунингиз билан табриқламаган, ҳеч курси ёниғиздан бир кеча ўтириб, дилбар сўзингизни олмага эканман. Хали у иш, ҳаги бу ишни рўққ қилиб азим шаҳарга чопибман. Бугун юрак армонларга қўналга. Қалб соғинчлардан, изтироблардан қовжирардим...

Яқинда укамни ўлантирдик. У бир кун олдин: "Ака, тўйимизни видеомагнитофонга ёздириб олмақчиман", - деди. "Майли" дедим. Чунки бир умрга эсда қоладиган унутилмас воқеа. Шунда экан дунё! Тўйсиз хотира бўлиб қолсин дерканмизу ота-онамизнинг овозларини ёзи олишни ҳаёлга келтирмас эканмиз...

Сиз бугун тушимга кирдингиз, онажон! Яхшиямки, бу дунёда лоқал туш деган нарсалар бор.

М.СУЛАЙМОНОВ

Курд халқ ҳикояти

ФЕЪЛИГА ЯРАША

Уч дўст сафарга чиқибди. Тунаш учун бир қишлоққа қўниб ўтишни лозим қўришди. Буларни синаб қўрай, - деди мезбон. Йигитларнинг бири эшикка чиққач, уй эгаси сўрабди: -Бу хамрохингиз қандай йигит эми? Уйда қолган икки йигит: -Ҳа, у аҳмоқ, эшақдай қайсар бола, - дейишди. Йигит бир оздан сўнг уйга қайтиб кирибди. Бошқалари эса чиқиб кетишди. Уй эгаси уйда қолган йигитдан: -Хамрохларинг қандай йигитлар? - деб сўрабди. -Кора теллак қийгани бор-ку, уям итдай баджаҳл, қўрс. -Иккинчиси-чи? -Молдай бефаҳм бола. Кечки овқат пайтида уй эгаси хамрохлари томонидан "эшақ" деб таъриф берилган йигитнинг олдига арпа, "мол" деб аталганига бир қучоқ пичан, "ит"га эса овқат қондиқлари ва суяклар келтириб қўйди. Йигитлар таажубланишиб бараварига уй эгасига тикилишти.

-Ажабланманг, - дейди уй эгаси. - Ҳазингиз айтдингиз: биринчи - эшақ, иккинчиси - мол, учинчиси - ит деб. Шунинг учун ҳам ҳар кимнинг олдига ўз таомини келтириб қўйдим.

Мухтор БЕК таржимаси.

Сир эмаски, қўриқ

Эрларнинг ўзлаштирилиши шўрланиб кетиши қолаверса, янги турар жой ва саноят қорхоналари ва йўллар қурилиши тўғрисида кўп баҳс-мунозараларнинг ҳаёти жиддий ҳавф остида қолаётди. Қўччилик, ёввойи ўсимликлар нимага ҳам керак бўларди, деб ўйлайди. Аслида эса табиатда ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар бир гиёҳ, эсанг ҳашоратнинг ҳам ўз ўрни бор.

Саноят қорхоналари чиқиндилари, аҳоли зич жойлашган шаҳарларда автомобиллардан чиқарган захарли газлар атроф, муҳит қўзаллигига салбий таъсир қилиши ўз-ўзидан маълум. Шундай вазиятда ўсимликлардан зарарли оқибатларни бартараф этишда фойдаланиш мумкин. Ўсимликларнинг асосий аҳамияти эса, уларнинг автотрофлиги билан белгиланади. Яъни ўсимликлар қуёв нурини ютиб, оддий сув ва карбонат ангидрид газини

ҲАР ГИЁҲНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

бир-бирига қўшиб органик моддалар ҳосил қилади. Турли шанбалик ва тозалаш ишлари олиб борилганда, боғ, дала ва йўл бўйларидидаги ўсимлик қондиқларини йиғиб, ёқиб юборилиши, ўша ердаги мавжудотларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Негаки, бу ёввойи ўсимликлар атмосфера хавосига кислород етказиб бериш билан бир қаторда, автомашиналар чиқарган захарли газларни ўзига сингдириб олади ҳамда қўтаришган чангни бутун танаси билан тўтиб қолади.

Шунинг учун тозалаш давомида ёввойи ўсимликларни ёқиб юбормай, бирор жойга ўра қазиб, қўниб қўйиш, у вақт ўтиши билан қириб органик ўғитга айланади. Қолаверса, Қорақалпоғистоннинг мураккаб иқлим шароитида тупроқлар шўрланган бўлиб, маданий ўсимликлар бўлган шариотда ўсимча моласудан шўрладошлар, юлғундошлар, мураккабгўлдешлар, юлғундошлар, галладошлар оиналарни вақиллари бўлиб, булар фомин олабтаси, бас-си, бир-бирига қўшиб органик моддалар ҳосил қилади.

Шуларни эътиборига олган ҳолда, истироҳат боғлари, йўл бўйларига тозалаш ишлари олиб борилганда ўсимликларни ёппасига олиб ташламай, балки бесунақай, тартибсиз ўсганларинигина олиб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Х. МАТЖАНОВА, ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Биозкология институти лаборатория мудири, У. БЕКМУХАММАД, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

(Боши 1-бетда) Йўлнинг икки четида ёзгон ноз-неъматлари: олма, ўзюм, шафтоли, қовун, тарвуз, помидор, бодрийн, сабзю пиёз, картошкаю турли кўкатлар. Дехқон нимаики етиштирган бўлса, бозорга олиб чиққан: тўқин-сочинлик, мўлкўллик, файзу бароқа. Олтиндан азиз тупроғимизда нималар етишмайди дейсиз: одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса унда униб-ўсади. Афсуски, жонинг уруги йўқ бўлмаса, у ҳам унарди. Аммо ер нафаси жонга ором, қуч-қувват беради, ҳузур-ҳаловат бағишлайди, умрни узайтиради.

ЖАННАТ ЯРАТГАНЛАР

Дехқон омон бўлса - дастурхонимиз тўқин, хонадонимиз ободон, юртимиз фаровон бўлади. Ўз ерига, ўз хўжалиғига меҳр қўйган қишлар эртадан кенгача ишласа ҳам чарчамайди, балки ўз меҳнатидан ҳузур қилади. "Ерни боқсанг ер ҳам боқади", дейдилар. Ерни боққанлар тўқ ва бой қишлардир. Меҳнат қилиб қорни тўймаган, рўзгорин бут бўлмаган одам йўқ. Бугунги ўриб олиб хирмон-хирмон дон кўтарган дехқонлар ерига яна бир экин экиш иштиёқи билан банд. Полиздан бехисоб қовун-тарвуз кўтарган, боғидан сават-сават олма терган, даласидан қол-қол сабзавот йиғиб олаётган дехқонлар ўзида йўқ хурсанд!

Чиноз эса бутунлай ўзгариб кетган. Эртақадди шаҳарга ўқшади. Иморатлари мухташам, қўчалари тоза, боғу хиёбонлар сўлим. Бозори сероб, гаважум. Ҳамма нарса муҳайё. Ёз фасли ўзини намойиш этмокда. Озодлик ва ободлик мевави бу. Дехқоннинг пичоғи мойда. Омади келган. Ҳўшмуомала. Ўй-томоша қиладиган пайт келди. Сирдарё насини дилини яйратади. Чиноз ободи!

Сирдарёнинг нариги қирғоғида ўзгача ҳаёт. Улғу чўлнинг нафаси келиб турибди. Афқа туташиб кетган қўп-қўқ далалар қўнида ҳаёт қайнаб ётибди. Ғўзаларда мўл-кўл ҳосил нишонлари. Пахтазор, мевазор, бугдойзор далаларни қўз илмайди. Беғубор, поёнсиз, қўп-қўқ олтин водий: эмин-эркинлик, ойсойиш ва оройиш, ободонлик ва фаровонлик нафаси. Бой, саҳий, бағри кенг, қадрдан далалар! Улғу чўл бағридаги осуда ва жўшқин ҳаёт бутун ҳаёлигини чўлаб олади. Ҳазрати Алишер Навоий ҳавас қилган замонамиз Фарҳоди Ширинлари обод қилаётган Улғу чўлга ўқшамайди. Жаннат нафаси думоғингизга урилади, дилингни яйратади. Гулистон эса жаннатнинг ўртасида қад кўтарган қошоналар шаҳрига ўқшади. Азиз йўловчилар, енги автолдарга физиллаб ўтиб кетмасдан, бир нафас тўхтанг, бир-икки соат Гулистон шаҳрини яёв юриб, бир томоша қилинг. Дунёдаги қайси чўлнинг ўртасида яна бундай гўзал шаҳар бор! Бир ўйлаб қўринг. Бунки ким қурган, қайси меъмор, қайси муҳандис, қайси фидойи киши ўзини бағишлаган! Албатта, муҳтарам Юртбошимиз! Навоий ҳавас



ТУСОВУҚ - ТАБИАТ МЎҶИЗАСИ

Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

"ЮЗИНИ ТЕСКАРИ ҚИЛСИН"

Бирор ноҳия иш қилаётган кишини қўрган ёҳуд тасодифи гувоҳига айланган кишилар бехитиёр "юзини тескари қилсин", дейишади. Яқинда шаҳар бекатларидан бирида ўзим қўриб гувоҳи бўлган бир воқеа мени ҳам шундай дейишга мажбур қилди.

Ишдан чиқиб уйга тезроқ етишга ошиқарётгандим. Шундай пайтда қутиб ёмон-да. Хаде-ганда автобус қорасини қўрсатвермади. Бекатда тумонат одам. У ёққа юрдим, бу ёққа ўтдим... Ногоҳ бекатнинг орқасидаги манзарага қўзим тушидо ҳайратдан қақа ўшладим. Чамаси 30 ёшлардаги бир аёл ўзи тенги эркак билан шунақанг "чирмасий" олганки, таърифлаш тил ожиз. Ҳаммаинг қўзи ўшаларда. Утган ҳам, қайтган ҳам бир марта бўлсин қўз қирини ташлаб қўяди. Уларга жамоатдан айманиш деган нарсалар алақачон ёт бўлиб кетгани шундоққина қўришиб турибди.

Ачинардиси, ҳалиги аёлнинг ёнида беш ёшлар атрофидаги бола қўзларини жавадиратганча йиллаб турарди. Ойисининг эса парвойи фалак.

ИНСОН ЎЗИНГ...

Майли, нима иш қилиш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Ақл ўргатишдан йироқмиз. Бироқ жамоат жойида бу тахлит "томоша" қўрсатиш ярамайди. Бу аёлнинг хатти-ҳаракати ёш қўзларнинг маънавий дунёсига қандай таъсир қилишини ўзингиз ўйлаб қўраверинг.

Бола бу "томоша"дан қўриқиб кетди чоғи, титраганча, яна ойисига ялина бошлади: -Ой-и-и, ой-и-и, кетдик...

Канийди бу гаплар она-нинг қулгоғига кирса. Бу ҳолни ўзқадан кузатиб тур-хали бу ишни рўққ қилиб азим шаҳарга чопибман. Бугун юрак армонларга қўналга. Қалб соғинчлардан, изтироблардан қовжирардим...

Санд РАҲМОНОВ

АНИКЛИК КИРИТАМИЗ

Газетамизнинг 2003 йил 3 июл сониди мухбирларимиз Холмурод Қурбонов ва Рустам Жабборовнинг имзоси билан "Асрларни туташтирган тасодиф" сарлавхали мақоласи чоқ этилган эди. Мазкур мақоланинг 1-қисми ("Ҳожини ҳофизинг ҳазили") Қомил Авазининг "Хива дилбанди" китобидан олинган. Аммо баъзи техник сабабларга қўра иктибосда манба ва муаллифининг исми-шарифи қўрсатилмай қолган. Бунинг учун мазкур китоб муаллифидан ўзу сўраймиз. Мазкур англашилмовчилик юзасидан ходимларимиз Р.Жабборов ва Х.Қурбоновлар тахририят томонидан қатъий оғохлантирилдилар.

ТАХРИР ХАЙАТИ: Санд АХМАД, Аянтай АДИЛОВ, Қомил МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир уринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи уринбосари), Фафур ШЕРМУХАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси тарихидоғи ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43. Котибият - 136-56-30. Иқтисодий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс - 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-322-25; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фаргона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65

Реклама ва эълонлар бўлими: телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун бюртомачи жавобгар: Навбатчи: Х.ПАНЖИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-721, ҳажми 2 босма табок.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 116 114

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сақлаланди.